

Ўзбекистон бағрикенгликда бошқа давлатларга намуналиги эътироф этилди



12:09 50

Бугун, 16 ноябрь куни пойтахтимиздаги “International Hotel Tashkent” меғмонхонасида “Янги Ўзбекистонда диний бағрикенглик” мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Музаффар Комилов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари, Дин ишлари бўйича қўмита раиси Содиқ Тошбоев, шунингдек, олимлар, миллий маданият марказлари, турли конфессия етакчилари, этник-маданий бирлашмалар ва талабалар иштирок этди.

Шу билан бирга, АҚШ, Буюк Британия, Корея Республикаси, Туркия, Малайзия, Португалия, Арманистон, Россия Федерацияси, Тожикистон, Қозоғистон каби давлатлардан келган соҳа мутахассислари, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхона ходимлари, дипломатик корпус вакиллари қатнашди.

Анжуман аввалида Президент маслаҳатчиси Музаффар Комилов сўз олиб, юртимизда хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир заминда ҳамжиҳатликда яшаётгани бағрикенгликнинг ёрқин далили

бўлаётгани, ҳукуратимизнинг чуқур ўйланган миллий ва диний сиёсат туфайли бугун Ўзбекистон бутун дунё мамлакатлари учун бағрикенглик намуналарини ўзида мужассам этган давлат сифатида ўрнатқан бўлаётганини қайд этди.

Конференцияда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари ўз чиқишлари давомида барча иштирокчиларни Халқаро бағрикенглик куни билан самимий муборакбод этиб, кейинги йилларда мамлакатимизда миллатлараро тотувликни таъминлаш, диний бағрикенгликни қарор топтириш, ўзаро меҳр-оқибат, инсон шаъни ва қадр-қимматини улуғлашга катта эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Муфтий ҳазратлари маърузалари давомида Аллоҳ таоло бандаларини бир-бири билан танишиб, тинч-тотув ва аҳилликда ҳаёт кечиритишга амр қилганини оятлар асосида далиллаб, муқаддас динимиз ўзидан олдинги самовий динларни эҳтиром қилиш баробарида уларга мурувват кўрсатишга ҳам чақирганига урғу қаратдилар.

Ислом таълимоти ўзга дин вакиллари билан чиройли ва бағрикенглик ила муносабатда бўлишга чорлагани ва бу гўзал анъана бугунги кунда ҳам давом этиб келаётганини алоҳида таъкидлагди. Мазкур анжуман ҳам барча дин вакилларини илм-маърифат, тинчлик-осойишталик, ҳамжихатлик ва эзгуликка тарғиб этиши йўлидаги муҳим ташаббус экани қайд этилди.

Анжуманда турли халқаро ташкилот ва диний конфессия вакиллари мавзу доирасида сўзга чиқиб, мамлакатимизда турли дин ва миллат вакилларининг эмин-эркин яшашлари учун барча шароитлар яратилганлиги ва диний жамоалар жамият тараққиётида тобора фаол иштирок этаётганлигини таъкидлади.

Илмий-амалий конференция шўъбаларга бўлинган ҳолда давом этиб, унда мавзу юзасидан бир қатор маърузалар ўқилди, ташаббус ва таклифлар юзасидан ўзаро фикр-мулоҳазалар алмашилди.